

# Agroiqtisodiyot

илмий-амалий агроиктисодий журнал

## МУНДАРИЖА

3. **Н.ХУШМАТОВ.** Грек ёнгогини етиштириш ва унинг ҳажмини оширишда шаклланган ижтимоий-иктисодий муносабатлар
7. **А.АЛТИЕВ.** Ер ижараси муносабатларини тартибга солишини такомиллаштириш
10. **И.РУСТАМОВА.** Қишлоқ хўжалигида ахборот-маслаҳат хизматини юритишнинг услубий жиҳатлари
14. **М.Ли.** Вклад плодоовоенного подсектора в продовольственную безопасность
20. **У.САНГИРОВА.** Эффективность развития рыбной отрасли в Узбекистане
23. **С.АБДУЛЛАЕВА.** Дэҳқон хўжаликлари ва сутни қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги муносабатлар
26. **М.ЭРХОНОВА, С.АБДУЛХАЛИЛОВА.** Ўсимликларни ҳимоя қилиш усуслари
30. **Ф.ЮСУПОВА.** Основные направления реформ реализованных в водохозяйственном секторе и их результаты
34. **Ж.РАШИДОВ, Ж.МИРЗАКАРИМОВ, М.РУСТАМОВА.** Мамлакатимизда голос етиштириш ва униекспорт қилиш имкониятлари
37. **А.САДИКОВ.** Сувоқова тизимини молиявий барқарорлаштиришда стратегик бошқарув
40. **У.САДУЛЛАЕВ.** Чорвачилик тармоғи ривожланган мамлакатларда гўшт ишлаб чиқариш динамикаси ва истиқболлари
43. **Н.АСКАРОВ.** Наслии ипак қурти уруғчилиги тизимини ташкилий-иктисодий жиҳатлари
46. **О.ДИЛМУРОДОВ, А.БАХРИДДИНОВ.** Пиллачиликни ривожлантиришнинг хуқуқий-меъёрий асослари ва таркибий ўзгаришларни ташкиллаштириш
49. **О.САТТОРОВ.** Қашқадарё вилоятида данакли интенсив боғларни ташкил этиш йўналишлари ва истиқболлари
53. **А.ПАРДАБОЕВ.** Дэҳқон ва томорқа хўжаликлигини бердани фойдаланиш фаолиятини кўллаб-куватлашни такомиллаштириш
56. **Н.АБДУРАЗАКОВА.** Машинная уборка хлопка-сырцаи ее перспективы
59. **Д.ЯНГИБОЕВ.** Лалми ерлардан самарали фойдаланишнинг муҳим жиҳатлари
62. **Г.ХАЛИКУЛОВА.** Совершенствование страхового рынка и его роль в инновационном развитии государства
67. **Н.АЛИЕВА.** Пиллачилик тармоғида инновацион фаолиятни бошқариш самарадорлиги
56. **О.ФАЙБУЛЛАЕВ.** “Кластер” назарияси ва униамалиётда қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги
59. **Х.ҚАҲРАМОН.** Ўзбекистон банк тизими – 2018: “диагноз”тўғри қўйилганми?
62. **К.МУХИДДИНОВА.** Ўзбекистонда инвестицион салоҳиятни ривожлантиришнинг мамлакат автотранспорт саноатидаги ўрни
67. **Ш.ҚАРШИЕВ.** Мамлакат аҳолисини озиқовқат маҳсулотлариги таъминлашда қишлоқ хўжалигининг ўрни
70. **Ю.УСМАНОВ.** Дэҳқон ва томорқа хўжаликлирида ҳолати бузилган ерларни тикишнинг муҳим жиҳатлари
86. **А.ДУРМАНОВ.** Иссикхона сабзавотчилиги бозорини барқарор ривожлантиришнинг ташкилий-иктисодий механизмини шакллантириш методлари
90. **Д.ЖАЛОЛОВА.** Истъемол товарлари бозорида маркетинг тадқиқотлари (мева-сабзавот консервалари саноати мисолида)
92. **Т.НУРЫМБЕТОВ, Қ.БЕКБОСЫНОВ.** Қишлоқ жойларида ноқишлоқ хўжалиги фаолиятини ривожлантириш йўналишлари ва истиқболлари
96. **Ф.КАДИРХОДЖАЕВА.** Оқова сувлардан суғориша фойдаланишамалиётининг иқтисодий самарадорлиги
100. **Г.ЮСУПХОДЖАЕВА.** Инновацион иқтисодий шакллантиришда автомобиль транспорти корхоналарида аутсорсингдан фойдаланиш
103. **М.КУРБАНОВА, Л.ЮНУСОВ, Д.СРЫМБЕТОВА.** Цифровая экономика – как возможность инновационного развития аграрного сектора
107. **Г.БАЙМУРАТОВА.** Қишлоқ хўжалиги корхоналари стратегик бошқарувида риск-тизимлари моделининг моҳияти
111. **И.БАКИЕВА.** Агросаноат мажмуаси рақобат-бардошлигини оширишда кластер тизимини жорий этишининг назарий асослари
114. **Б.БОЛТАЕВ** Қишлоқ хўжалигида агрокимёвий хизматлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги
117. **И.АБДУРАҲМОНОВА, З.АБДИРАСУЛОВА, Д.МАҲМАТҚОБИЛОВА.** Ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш
120. **З.САМАТОВ.** Олий таълим тизимини инновацион ривожланишини белгиловчи асосий омиллар

## МАМЛАКАТИМИЗДА ГИЛОС ЕТИШТИРИШ ВА УНИ ЭКСПОРТ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

**Жамшид РАШИДОВ,**  
ТИҚХММИ доценти, и.ф.н.

**Ж. МИРЗАКРИМОВ,**  
ТИҚХММИ талабаси,

**М.РУСТАМОВА,**  
ТИҚХММИ талабаси

**Аннотация:** Мақолада дунёда ва республикамизда гилос етиштириш ҳамда уни экспорт қилининг аҳамияти, унга салбий таъсир этувчи омиллар таҳдил этилган бўлиб, уларни барқарор қилиш ва гилос етиштириш ривожлантириш бўйича таклифлар билдирилган.

**Аннотация:** В статье проанализирована значимость выращивания черешни, а также его экспорта в мире и республике, негативно влияющие факторы, даны предложения по их устранению и развитию возделывания черешни.

**Abstract:** The article analyzes the significance of the cultivation of sweet cherries, as well as its exports in the world and the republic, negatively influencing factors, offers to eliminate them and develop the cultivation of sweet cherries.

**С**ўнгги йилларда мамлакатимизда олиб бори-  
лаётган агроқитисодий ислоҳотлар негизида  
аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, кўшим-  
ча даромад манбааларини излаб топиш ҳамда фаол  
тадбиркорликни қўллаб-кувватлашга қаратилган.  
Хусусан томорқа хўжаликларини ривожлантириш-  
га берилаётган алоҳида аҳамият натижасида ички  
ва ташқи бозорларда мева ва сабзавотлар экспорт  
миқдори кескин ортиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги  
маҳсулотлари экспорти аграр тармоқнинг инвести-  
цион ричаги саналиб у майда хўжаликларнинг бо-  
зор конюктурасига тез мослашувчан кичик ҳажмли  
янги техника ва технологияларни олиб келиши би-  
лан изоҳланади. Экспортнинг долзарблиги ва унинг  
аҳамиятини Президентимиз Шавкат Мирзиёев қуй-  
идаги таъқидлаган “Экспортни янада рағбатлан-  
тириш мақсадида техник жиҳатдан тартибга солиши  
тизимини халқаро стандартларга уйғунлаштириш  
лозим. Асосий мақсадларимиздан бири – ташқи бо-  
зорга сифатли ва сертификатланган маҳсулотларни  
“ўзбек бренди” номи билан олиб чиқишдан иборат.  
[1]”

Ҳақиқатдан ҳам дунё бозорида “ўзбек бренди”  
номи билан мева-сабзавот маҳсулотлари ўз ўрнига  
эга бўлиб бормоқда. Шундай мевалардан бири бу ги-  
лос бўлиб, хар иили мамлакатимизда катта ҳажмли  
қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортининг даст-  
лабки қадамини айнан мазкур мева қўйиб беради.  
Яъни мамлакатимизда гилос экспортни ҳажми ва

қийматига кўра салмоқли улушни эгаллайди.

Умуман олганда дунёда гилос етиштириш ва уни  
экспорт қилишга кўплаб давлатларда алоҳида аҳам-  
ият қаратилида. Хусусан АҚШнинг Вашингтон, Ка-  
лифорния ва Орегон штатларида бутун мамлакат-  
нинг 90 фоиз гилоси етиштирилган ҳолда у ички ва  
ташқи бозорга йўналтирилади. Штат фермерлари-  
нинг асосий даромад манбай саналади [2]. Туркияда  
эса гилоснинг дунё бозоридаги “турк гилоси” номи  
билан машхур бўлган навини 10 йил мабойнида се-  
лекционерлар томонидан яратилган бўлиб, у дунё  
бозорида харидоргирлиги билан ажralиб туради.

Гилос янги узилган (барра), музлатилган, қури-  
тилган, қадоқланган, шарбат, шароб каби усусларда  
истеъмол қилинади. 75 фоиз маҳсулот айнан янги  
узилган (барра) ҳолида истеъмол қилинса, 12 фоизи  
шарбат ва 13 фоизи қолган усулда истеъмол қили-  
нади [3].

Мамлакатимизда гилос етиштириш узоқ йиллик  
тарихга бориб тақалади. Аммо уни экспорт қилиш  
тажрибаси энди ўзлаштирилмоқда. Хусусан, Ўзбеки-  
стон 2013–2017 йиллар давомида гилос майдонлари  
фаол кенгайтирилгани сабаб мазкур мева экспорти-  
ни оширишга ва жаҳон бўйича юқори ўринга кўта-  
рилиб, Испаниядан олдинга ўтиб кетишига муваффақ  
бўлди [4].

Умуман олганда дунё миқиёсида гилос етишти-  
риш ҳажмига аҳамият қаратадиган бўлсак, ЕИ мам-  
лакатлари бу борада етакчилик қиласди. Одатда ЕИ

**Калит сўзлар:** гилос, экспорт, ишлаб чиқариш ҳажми, фермер ва томорқа хўжаликлиари, қў-  
шимча даромад, бозор конюктураси, экспортни янада рағбатлантириш, дунё бозори

мамлакатларини ягона бозор сифатида қаралиб бир күрсаткыч сифатида күрсатилади. Мазкур мамлакатларда 2012 йилда 622 минг тонна гилос етиштирилган бўлса, 2017 йилда 576 минг тонна етиштирилган. ЕИ мамлакатлари орасида Испания, Польша, Франция ва Италия бу борада етакчилик қиласди (1-жадвал).

#### 1-жадвал. Гилос етиштирувчи мамлакатлар

ўнталиги ва дунё бўйича жами етиштирилган маҳсулот миқдори, минг тонна [6]

Давлатлар	Йиллар					
	2012	2013	2014	2015	2016	2017
Европа Иттифоқи	622	724	758	751	730	576
Туркия	500	510	465	565	525	511
АҚШ	418	401	462	417	458	495
Хитой	170	180	220	250	330	360
Украина	215	282	280	280	280	280
Россия	253	278	278	278	278	278
Ўзбекистон	126	140	136	138	141	140
Сербия	97	126	127	128,1	127	129
Чили	82	62	73	78	86	81
Сурия	65	86	127	103	116	124
Бошкалар	105	117	115	115	111	116
ЖАМИ	2685	2906	3033	3087	3156	3057

Манба: Foreign Agricultural Service/USDA Office of Global Analysis September 2017

EastFruit (Европа Иттифоқи шарқидаги мева ва сабзаватлар бозори тўғрисидаги ахборотлар) таҳлилчиларининг маълумотларига кўра, Ўзбекистон 2017 йилда 32 минг тоннага яқин гилос экспорт қиласди. Бу Испанияга нисбатан 5 минг тонна кўпроқ демакдир. Бундан беш йиллар олдин Ўзбекистоннинг гилос экспорти йилига 5 минг тоннадан ошмас эди, бироқ 2016–2017 йилларда экспорт ҳажмида кескин ўсиш кузатилди [5].

Яқин Шарқда эса Туркия ўзининг алоҳида амалий тажрибаси билан ажралиб туради. Туркияда 2012 йилда жами 500 минг тонна гилос етиштирилган бўлса, 2017 йилда 511 минг тонна етиштирилган. Сўнгги йилларда кузатилган нокулай об-ҳаво маҳсулот етиштириш ҳа-

жмига салбий таъсир кўрсатган бўлсада, бу борада у шарқда етакчиликни бермасдан келмоқда.

Ўзбекистон ҳам гилос етиштиришда салоҳиятли мамлакатлар сафидан жой олиб келмоқда. Мамлакатимизда 2012 йилда 126 минг тонна гилос етиштирилган бўлса, 2017 йилда 140 минг тонна маҳсулот етиштирган ёки 2012 йилга нисбатан 11,1 фоизга ўсан.


Гилос етиштириши рағбатлантириш аввало ички истеъмолга йўналтирилган ҳолда аҳолининг сифатли ва нисбатан арzon маҳсулот билан таъминлаши ҳамда импорт ўрнини босиши лозимлиги каби мақсадларни кўзлади.

#### 2-жадвал. Гилос экспорт қилувчи мамлакатлар ва экспорт қилинган гилос миқдори, минг тонна [6]

Давлатлар	Йиллар					
	2012	2013	2014	2015	2016	2017
АҚШ	101	67	88	75	76	110
Чили	51	67	103	84	96	105
Туркия	57	54	50	69	80	60
Европа Иттифоқи	30	43	39	48	25	30
Ўзбекистон	5	17	17	5	29	29
Сербия	11	19	12	8	19	23
Азарбайжон	7	4	10	12	15	14
Канада	8	6	9	14	10	12
Белорусия	1	3	7	8	6	6
Австралия	3	3	4	6	3	5
Бошкалар	15	18	12	6	7	7
ЖАМИ	289	301	351	365	366	401

Манба: Foreign Agricultural Service/USDA Office of Global Analysis September 2017

Дунёда гилос экспорти миқдорига аҳамият қаратадиган бўлсак, АҚШ 2012 йилда жами 101 минг тонна, 2017 йилда 110 минг тонна экспорт қиласди, Чили 2012 йилда жами 51 минг тонна, 2015 йилда



1-расм. Республикамизда гилос экспорт миқдори ўзгариши динамикаси, минг тонна

## Гилос етишириш

минг тонна ҳамда 2017 йилда 105 минг тонна экспорт қилган. Туркия эса 2012 йилда жами 57 минг тонна, 2017 йилда 60 минг тонна экспорт қилганлигини кўришимиз мумкин (2-жадвал).

МДХ давлатлари орасида Ўзбекистон, Белоруссия ва Озарбайжонни гилос экспорт қилувчи етакчи 10 талиқда кўришимиз мумкин. Хусусан, Озарбайжон 2012 йилда жами 7 минг тонна, 2015 йилда 12 минг тонна ҳамда 2017 йилда 14 минг тонна экспорт қилган бўлса Белоруссия эса 2012 йилда жами минг тонна, 2017 йилда 6 минг тонна экспорт қилган.

Мамлакатимизда гилос экспорти статистикасига аҳамият қаратадиган бўлсак, 2001 йилда жами 1,68 минг тонна гилос экспорт қилинган бўлса, 2017 йилда 29,8 минг тонна гилос экспорт қилинган (1-расм). Таҳлиллардан кўриш мумкинки, мамлакатимиз гилос экспортида ўсиш суръатлари кузатилиб, келажақда ҳам қўшимча имкониятларга эга. Аммо, тадқиқотлар кўрсатишича мамлакатимизда гилос экспортида кўйидаги камчиликлар кўзга ташланмоқда. Жумладан:

- ташқи бозорлар тўғрисидаги аниқ маълумотларнинг етишмаслиги;
- агромаркетинг тизимининг ривожланмаганини;
- ички бозорлардаги маҳсулот ҳажми, сифати ҳамда уларнинг ҳолати тўғрисидаги рақамлар ва ахборот етишмаслиги;
- халқаро кўргазмаларда ўз маҳсулотларини на-

мойиш этувчи кархоналарнинг камлиги ҳамда унга хусусий субъектлар жалб этилмаслиги;

- экспорт қилувчи корхоналар фақатгина бир мавсум учун фаолият юритиши, ўрта ва узоқ стратегиянинг мавжуд эмаслиги;

- замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланилмаслиги, хусусан онлайн режимда ишловчи интернет сайт, канал ва алоқа воситаларининг мавжуд эмаслиги.

Юқоридаги ҳолатларни бартараф этиш, гилос етишириш ва уни экспорт қилиш тизимини такомиллаштириш, ташқи бозорлар конъюктураси ўзгаришига тез мослашиш ҳамда қисқа муддатли таъсир этувчи омилларни бартараф этиш мақсадида фикримизча куйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Хусусан:

- гилос етишириш ҳажми ва ҳолати тўғрисидаги маълумотлар базасини яратиш;

- мунтазам фаолият юритувчи замонавий алоқа воситаларини ривожлантириш, хусусан бу борада хусусий тармоқни кенг жалб этиш;

- ташқи бозорлардаги харидоргир гилос навларини чукур таҳлил этиш ва мамлакатимизга мослаштириш имкониятлари борасидаги тадқиқотларни рағбатлантириш;

- гилос савдосининг мавсумийлик характеристини бартараф этиш мақсадида логистик марказлар билан техник ва технологик алоқаларни такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22-декабр 2018 йил. [gov.uz](http://gov.uz)
2. <https://www.agmrc.org/commodities-products/fruits/cherries>
3. An Economic Evaluation on Organic Cherry Production: A Case of Turkey. Journal of Sustainable Agriculture Volume 28, 2006 – Issue 2
4. <https://east-fruit.com/article/uzbekistan-obognal-ispaniyu-po-obemu-eksporta-chereshni-i-voshel-v-chislo-mirovykh-liderov>
5. <https://east-fruit.com>
6. Foreign Agricultural Service/USDA Office of Global Analysis September 2017